

АБАЙ АСАРЛАРИ ВА МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ

Клара Байбуриевна Фазилова

Гулистон давлат университети
klara_fazbay_21@mail.ru

Жанибек Фазилов

Қозоғистон Республикаси, Шимкент шаҳри 90-мактаб

АННОТАЦИЯ

Мақолада Абай асарларидаги маданиятлар мулоқоти ғоялари акс топганлиги кўрсатилди. Абай XIX аср охири - XX аср бошларидаги сиёсий ва ижтимоий муаммоларнинг, умуминсоний қадриятлар ва инсонпарварликнинг ифодачиси бўлди. Унинг мероси қозоқ халқининг миллий маданиятига катта таъсир кўрсатди.

Калит сўзлар: социомаданий компонент, маданиятлар мулоқоти, Абай асарлари, умуминсоний қадриятлар, маънавий баркамол инсон.

ABSTRACT

The article shows the reflection of the ideas of the dialogue of cultures in the works of Abai. Abai became an exponent of political and social problems of the late 19th-early twentieth century, universal values and humanism. His legacy had a great influence on the national culture of the Kazakh people.

Keywords: socio-cultural component, dialogue of cultures, Abai's works, universal values, spiritually developed person.

КИРИШ

Инсоният тарихи – бу мулоқотдир. Мулоқот бутун ҳаётимизни камраб олади, коммуникацион алоқаларни амалга ошириш воситаси ва одамларнинг бир-бирларини тушуниш шартларидан бири ҳисобланади. Маданиятлараро мулоқот – этнослараро, миллатлараро муносабатларни ривожлантириш учун қулай пойдевордир. Ва аксинча, агар жамиятда этнослараро кескинлик, этнослараро можаролар бўлса, маданиятлар ўртасидаги мулоқот қийин кечади ҳамжа мазкур халқлар, мазкур маданиятлар ташувчиларининг этнослараро кескинлиги майдонида маданиятлараро муносабатлар чекланган характерда бўлади.



АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мазкур мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг, Қозоғистон Республикаси Президенти Қ.-Ж. Тоқаевнинг буюк мутафаккир Абай Қўнонбоевга бағишланган қарорлари ва нутқлари методологик асос бўлиб хизмат қилди [1,2,3]. Абай асарлари Қозоғистонда, Россияда ва Ўзбекистонда бир неча марта нашр қилинган. Оқиннинг асарлари билан танишиш учун Интернетдан ҳам унинг асарларини ўрганиш мумкин. Абай ўз асарларида куйлаган умуминсоний қадриятлар маданиятлар ўртасидаги мулоқотга йўл очиб беради. Шунингдек, унинг таржималари ўзига хос тарзда, қозоқ халқига тушунарли қилиб, моҳирона таржима қилинган. Ўзбек тилида чоп этилган Абайнинг танланган асарлари [4] ўзбек китобхонини шоирнинг лирик асарлари, унинг шоҳ асари ҳисобланмиш “Қора сўзлар”и билан таништиради. Абай ижодидаги маданиятлар мулоқоти ғоялари, эстетик ғоялар Х.Есенова ва А.Жаксиликовлар томонидан очиб берилган [7; 8]. Маданиятлар мулоқотининг намоён бўлиши омиллари ва шакллари С.Иванова, Н.Кокшаровлар томонидан таҳлил қилинган [9; 10]. Абайнинг таржима асарларида кўтарилган муаммолар, унинг педагогик ва фалсафий қарашлари А.Сергазинов, А.Тангировлар [11;12] томонидан очиб берилган. Шунини айтиш керакки, 2020 йилда Абайнинг юбилеи нафақат Қозоғистонда, балки Ўзбекистонда ва Туркияда ҳам кенг нишонланиб, унинг ижоди, ҳаёт йўлига бағишланган турли тадбирлар, илмий анжуманлар ўтказилган [6].

Тадқиқотимизда қўлланилган усулларга келганда шунини айтиш керакки, таҳлил, умумлаштириш усулларидан фойдланилди.

НАТИЖАЛАР

Олимлар маданиятлараро муносабатлар деганда юксак ривожланган маданиятни суғуриб берадиган маданиятга “ўтказиш”, маданиятлараро мулоқот эса тараққиётнинг манбаи деб ҳисоблаганлар. Маданиятлар диалоги ҳар хил қарашлар, ғоялар, ҳодисалар, ижтимоий кучларнинг ўзаро муносабатларини тушунишга интилишдир. Х. Ортега-и-Гассет таъкидлаганидек, “кўпқатламли маданиятлар диалоги давомида умуминсоний қадриятларнинг шаклланиши содир бўлади” (9, 141-б.). Диалог – жамиятдаги умумий маданиятнинг кўрсаткичи, тараққиёт ва ҳамжиҳатликдир.

М. Бахтиннинг фикрича, маданиятдаги барча буюк ҳодисалар фақат ҳар хил маданиятларнинг диалогида юзага келади. Битта маданиятнинг бошқасининг ютуқларини

ўзлаштиришга қобилиятли бўлгани унинг ҳаётий фаолият кўрсатиш учун манба бўлиб хизмат қилади. “Ўзга маданият фақат бошқа маданиятнинг назарида ўзини тўлиқроқ ва чуқурроқ очади... Битта маъно бошқаси билан учрашганда ва туташганида ўзининг теранлигини очади... улар орасида диалог бошланиб, мазкур маънолар, мазкур маданиятларнинг маҳдудлигини ва биртомонламалигини енгиб чиқади... Иккита маданиятнинг ана шундай диалогик учрашувида улар аралашиб кетмайди, балки бир-бирини бойитади”[5, 354-б.].

Демак, маданиятлар диалоги – бу ўзаро ёрдам, ўзаро бойитишга эҳтиёждир. Унда ўзаро бир-бирини тушуниш, бир-бирининг қадриятлар тизимига кириб, уларни ҳурмат қилиш, ўзига хос ва миллий хусусиятларни бирлаштириб, бир-бирини бойитиб жаҳон маданияти контекстига кириш муҳим ўрин тутаяди. Маданиятлар диалоги ғояси умуминсоний қадриятлар устуворлигига асосланади, миллатлараро мулоқотнинг шакли бўлиб, миллий маданиятларнинг ўзаро бойишини, уларнинг ўзига хослигини сақлаб қолишини тақозо қилади. Умуминсоний маданият гуллаб яшнаса, алоҳида халқнинг маданияти ҳам гуллаб яшнайди. Ҳар бир миллий маданиятнинг умуминсоний маданий фондга қўшган ҳиссаси бетакрор ва ноёбдир. Ҳар бир халқнинг маънавий маданияти ва маънавий мероси миллий маданиятнинг узвий бўлагидир.

Маънавий қадриятлар билан алмашиш, бошқа халқлар маданиятининг ютуқлари билан танишиш шахсни бойитади. Шахс маданиятнинг субъекти сифатида ўз фаолияти давомида ўзгариб боради, ва шу билан бирга миллий маданиятнинг ҳолатини, мазмунини ҳам ривожлантиради. Маданиятларнинг ўзаро амал қилиши шахслараро муомала даражасида ҳам содир бўлади. Шахслараро муомала ижтимоий ва маданий ахборот манбаларини кенгайтириб, стереотиплаштирилган тафаккурдан халос бўлишда муҳим омил сифатида майдонга чиқади ва бу билан кишиларнинг маънавий қиёфасини ўзаро бойитишга кўмаклашади.

Миллий маданиятларнинг ўзаро бойиши бошқа миллат қадриятларини идрок этиш борасида бир хил даража кечмайди. Айрим ҳолларда бошқа халқнинг миллий маданияти асари миллий онг, ўзликнинг омили бўла олмайди ва шахснинг маънавий дунёсидаги қадриятлар тизимига кира олмайди. Миллий маданиятларнинг ўзаро бойишининг юқорироқ даражасида эса бошқа миллатнинг санъат асари билан танишиш билан бирга миллий асар асосида янги асар ижод қилинади ва ўзга

миллатнинг асари ўзлаштирилади. Бундай ҳолларда бошқа миллатнинг кадриятлари миллий ўз-ўзини англаш жараёнига сингиб, шахснинг маънавий дунёсини бойитади. Ўзга маданият фақат бирон-бир фаолият жараёнида ўзлаштирилади (ўқув, илмий ва ҳк.). Янгини идрок қилиш, ўзлаштириш тил билан боғлиқ бўлган фикрий жараёнларда амалга оширилади. Тил миллий меросни ўзлаштиришга, миллатларнинг бир-бирини англашига кўмаклашади. Бошқа миллатнинг маънавий маданиятини билиш идрок этувчи субъектнинг интеллектуал фаоллигини, тизимли равишда ўзга миллат маданий кадриятлари мазмуни ҳақидаги билимларни тўплашни тақозо қилади. Тил ўрганиш эса ўзга маданиятни яхши тушунишнинг асосий омилидир.

Маданиятларнинг ўзаро бир-бирини бойитиш жараёни, маданиятлараро мулоқот турли соҳаларда турлича интенсивлик даражаси билан кечади. Корреспонденция маданиятларнинг ўзаро таъсирининг омили деб ҳисобланади, ёзув алоҳида шахс идрокининг призмасидан ўтказилган воқеликнинг социомаданий кесими десак бўлади. Маданиятнинг муҳим элементи кишиларнинг муомала маданияти бўлиб, уни амалга ошириш шакллари билан бири ёзишга ҳисобланади.

Ёзишга ҳам ўзига хос диалог бўлиб, ҳудудий жиҳатдан чегараланган социумларнинг менталлигини ва кадриятлар тизимини акс эттиради, ҳамда шу билан бирга уларнинг ўзаро амал қилишининг воситаси бўлиб хизмат қилади. Айнан ёзув умумевропа маданий муҳитини шаклланишидаги муҳим омили ва унинг миллий миқёсдаги арбоблар фаолиятига таъсир кўрсатувчи восита бўлди. Таржима эса маданий ўзаро алмашинувнинг муҳим компоненти ва воситачиси ҳисобланади [10].

У ёки бу жамиятнинг тарихда мавжуд бўлишининг ҳар бир даври бутун инсониятнинг тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади, шунинг учун у барча жабҳаларда, шу жумладан адабий матнлар орқали намоён бўлиши доирасида ўрганилиши керак. Мазкур мақоламизда биз буюк қозоқ шоири, оқини, адиби, қозоқ тилининг асосчиларидан бири Абай Қўнонбоевнинг асарларидаги социомаданий компонентни тадқиқ қилишга ҳаракат қиламиз. Абай асарлари матн лингвистикаси доирасида етарлича ёритилмаган. Ваҳоланки Абай мураккаб даврда яшаб ижод қилган. Абай ҳаёти кўчманчилик тарзида турмуш кечирадиган қозоқ овуллари билан бирида ўтган бўлса-да, аста-секин, айниқса рус чоризми томонидан Марказий Осиё халқларини бўйсундириши натижасида замонанинг ўткир ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ларзалари бу ерга ҳам ижтимоий

ўзгаришларни олиб келган. Абай асарларида анъанавий феодал ва буржуа кадриятларига қарши чиқиб, ёшларни маърифатга чақирган. У ўз фикр-мулоҳазаларини ҳажвий асарлари орқали акс эттирган. Абай ўз ижодида ўзини миллий белгилар билан чеклаб қўймайди. У қозоқ тилига машҳур рус шоирларининг 50дан ортиқ шеърларини таржима қилган. Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Абайни миллатнинг маънавий ислоҳотчиси деб айтган [3]. Абай Пушкин, Лермонтов, Мицкевич, Байрон, Гёте, Бунин, Кривов, Полонский асарларини моҳирона таржима қилган. Унинг таржималари ўзига хос жарангдорлиги, оддий халққа тушунарлилиги билан ажралиб туради. Бу таржималар ҳақиқатан ҳам маданиятлараро мулоқотнинг дурдоналаридир. Қозоқ китобхонлари ва тингловчилари Абайнинг таржималари ёрдамида нафақат “Евгений Онегин”дан парчаларни билиб олганлар, балки шу билан бирга уларнинг қалби ва онгига Пушкин романининг новаторлик руҳи, ўша замон қозоқ жамияти учун муҳим ҳисобланган асосий мотивлар етказилган. Рус тилида Абайнинг “Қора сўзлар” асари 1970 йилда таржима қилиниб чоп этилди. Бу асар ўзбек ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинган. У бир аср олдин ёзилган бўлса ҳам, бугунги кунгача ундаги доно фикрлар ва насиҳатлар ўз долзарблиги билан ўқувчида қизиқиш уйғотади. Абай инсон кадр-қимматини пасайтирувчи сарқитлардан ҳалос бўлишга чақиради, маънавий баркамолликка интилиб, ўз халқи ва бошқа халқлар тўплаган билимларни эгаллаш йўлидан боришга чақиради [11, 54-б.].

МУҲОКАМА

“Қора сўзлар” ёки “Насиҳатлар” асарида Абай Қўноқобев қозоқ халқининг улуғ фазилатларидан ташқари, улар ҳаётидаги барча қийинчилик ва камчиликларнинг илдизларини атрофлича очиб беришга бел боғлайди. Жумладан, асарда қозоқ халқини атрофдаги бошқа миллатлардан, жумладан рус, нўғай ва сартлардан ибрат олишга ва уларнинг уддабуронлиги ва тадбиркорлигидан ўрганишга чақиради ҳамда шундай дейди: “...сартлар экмаган экин, улар олмаган ҳосил, савдогарлари бормаган ер – хуллас, уларнинг қўлидан келмаган иш йўқ экан. Улар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб, шаҳар халқлари бир-бирлари билан ёвлашмайди - аҳил яшашади” [12, 13-б.].

Адиб ўз қарашларини давом эттириб, болаларни ўқитиш учун шароит яратиш ва уларни қоринини тўқ қилиш керак, яъни таъминот масалаларини ҳал қилмоқ лозим, ана



шундан сўнг фарзадларимизга форс, араб ва рус тилларини ўргатиш кераклигини айтади. “Русларнинг илмини ўрганиш, ўқиш керак. Ҳикмат ҳам, илм-хунар ҳам, билим ҳам, мол ҳам ҳаммаси русларда. Уларнинг зараридан овлоқ, фойдасига шерик бўлиш учун ҳам тилини, илмини, билимини ўрганишимиз керак... Ана шундагина биз русларнинг баъзи бир қонунсиз зўрликларига йўл қўймаган бўлур эдик”, каби фикрлари билан адиб, рус тили орқали босқинчиларнинг орасидан ўз ҳақ-ҳуқуқини ажратиб оладиган миллат яратишга эришиш мумкинлиги айтади [4, 75-76 бб.].

Х.Есенова таъкидлаганидек, Абайнинг ижоди қозоқ халқи ҳаётининг ўзига хос қомуси бўлди... Айни вақтда Абай интилган идеаллар миллий доиралар билан чекланмайди – улар маданиятлар мулоқоти, умуминсоний қадриятлар ва ҳақиқий инсонпарварлик ҳақидаги тасаввурларга таянади [7, 71-б]. Агар халқ қўшни мамлакатлар билан ўзаро тушуниш, тинчлик ва тотувликда яшаса, мамлакат гуллаб-яшнайти, “дўстлик дўстликни чақиради”, деган. Абай ижодида бир нечта маданият яхлит тарзда бирлашган: шарқ маданияти (араб, эрон, чиғатой), қадимги қозоқ маданияти (ўтмишдаги оғзаки ва ёзма мерос), туркий мумтоз шеърият, рус маданияти (ва у орқали европа маданияти). Абайнинг бошқа маданиятларга қизиқиши катта бўлганига қарамай, унинг асарларида қозоқ маданиятининг ўзига хослиги сақланиб қолган. Абай қозоқ тилини янги сўзлар билан бойитди.

Абай маданиятлар мулоқоти, маданиятларнинг ўзаро бир-бирига сингиши каби феноменнинг пойдевори тагида туради. Буюк шоир ўзининг адабий таржималари орқали қозоқ халқини Навоий, Фирдавсий, Саъдий, Низомий, Гёте, Пушкин, Лермонтов, Полонский ва бошқалар асарларига таянган ҳолда жаҳон маданиятининг дурдоналари билан таништиришга интилади. Натижада бу буюк шоиру ёзувчилар қозоқ халқига маънавий жиҳатдан яқин бўлиб қолди, уларнинг асарлари ва Абай асарлари умуммаданий қадриятга айланди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш керакки, Абай жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган адиблардан бўлиб, ўз даврининг ёшлари қалбида ва онгида чуқур из қолдирди ҳамда ҳозирги кунгача унинг асарлари севилиб ўқилмоқда. Унинг асарларида ўзи яшаган даврнинг у ёки бу социомаданий компоненти ўз ифодасини топган. Демак, унинг ҳар бир асари ўша замонга учун, ўша даврда яшаган қозоқ халқи ва жамияти учун бир кашфиёт бўлган, десак муболаға бўлмайди. Шоир ва



файласуф Абай кўп йиллар давомида қозоқ маданиятининг отаси ва асосчиси ҳисобланади. Ёзувчи Аслан Жақсилиқов айтганидек, Чокан Валихонов ва Ибрай Алтинсарин каби таниқли арбоблар қатори XIX асрдаги барча етакчи маданий арбоблардан қозоқ миллий ўзлигини шаклланишига Абай катта таъсир ўтказган [8].

Абай Қўнонбоевнинг 175 йиллиги Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланди. Айтиб ўтиш керакки, мутафаккир шоирнинг ижоди нафақат қозоқ халқининг, балки бутун Марказий Осиё халқларининг тарихида ёрқин саҳифадир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 13 мартдаги “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори халқимизнинг қардош қозоқ халқи адабиёти, буюк адибига бўлган эҳтиромнинг ёрқин намунаси бўлди [1]. Қозоқ мумтоз адабиёти асосчисининг юбилейлари унинг Ватани – Қозоғистонда ҳам нишонланиб келинмоқда. Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевнинг «Абай Қўнонбоевнинг 175 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида»ги Фармонида биноан, 2020 йилда буюк шоир юбилейи кенг миқёсда нишонланди [2].

Абайнинг барча асарларида ватанпарварлик ва халқчиллик ғояси ўз ифодасини топган. Абай бошқа маданиятларни ҳурмат қилган ва қозоқларни ҳам уларни эъзозлашга чақирган. Ҳозирги файласуфларнинг таъкидлашларича, Абай ўз ижодида Шарқ ва Ғарб ижодий ғояларини бирлаштирган биринчи мутафаккир бўлган. Бугунги кунда ана шу ғоялар маданиятлараро мулоқотда ўз аксини топмоқда. Тарихга назар ташласак, 1995 йилда Абайнинг 150-йиллиги ЮНЕСКО шафелигида кенг нишонланган эди. Ўша йили шоир асарлари кўплаб тилларга таржима қилинди ва чоп этилди. 2020 йил 10 август куни Туркиянинг пойтахти Анкара шаҳрида Абай Қўнонбоевнинг 175-йиллиги халқаро онлайн-учрашув ва илмий анжуман кўринишида “Турксой” халқаро ташкилотида ўтказилди. Бу тадбир 2020 йил – Абай Қўнонбой ўғли йили доирасида ташкил қилинди ва унда Озарбайжон ёзувчиси Эльмар Гулиевнинг “Абай Қўнонбоев” номли асари тақдим этилди.



Расмда: Туркия, Анкара. Абай боғидаги Абай Қўнонбоев ҳайкали
(Манба: <https://novayaepoxa.com/v-ankare-otmetili-175-letie-abaya-kunanba/351319>)

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 13 мартдаги “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори. *Янги Ўзбекистон*. 2020. 14 март.
2. О праздновании 175-летнего юбилея со дня рождения Абая Кунанбайулы. *Указ Президента Республики Казахстан от 30 мая 2020 года №55*. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/U1900000055>
3. Токаев, К.-Ж. «Абай и Казахстан в XXI веке» - перевод статьи Президента РК Касым-Жомарта Токаева. *inform.kz* https://www.inform.kz/ru/abay-i-kazahstan-v-xxi-veke-perevod-stat-i-prezidenta-rk-kasym-zhomarta-tokaeva_a3618011
4. Абай. (1995). *Танланган асарлар*. Т.:Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 103. (1995).
5. Бахтин, М.М. (1986). *Эстетика словесного творчества*. Москва.
6. Гасымов, Р. *В Анкаре отметили 175-летие Абая Кунанбаева (2020)*. <https://novayaepoxa.com/v-ankare-otmetili-175-letie-abaya-kunanba/351319>
7. Есенова, Х. (2014). Идеи диалога культур в творческом наследии Абая. *Инициативы XXI века, №1*, 71-72.

8. Жаксылыков, А.Ж. (2012). *Поэтика и эстетика Абая*. Алматы. www.abaiinst.kz
9. Иванова, С.Ю. (2001). К вопросу об этнокультурном взаимодействии. *Северный Кавказ в условиях глобализации*. Ростов-на-Дону. 140 - 144.
10. Кокшаров, Н.В.(2006). *Взаимодействие культур: диалог культур*. <http://yarcenter.ru/articles/ethnicworld/dialog/vzaimodeystvie-kultur-dialog-kultur-557/>
11. Сергазинов, А.Б. (2020). Переводы Абая и человеческие ценности. *Наука. Образование. Молодежь: Сборник материалов Международной научно-практической онлайн конференции молодых ученых, магистрантов, студентов и учащихся / Гл. ред. А.Б. Найзабеков. Рудный: Рудненский индустриальный институт, 374 с., 54-57.*
12. Тангиров, А.Ж. (2020). Абай Қўнонбоев ва унинг педагогик қарашлари. «Абай Қўнонбев ва шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 1 қисм. *Жиззах, 330 б., 12-17.*

